



# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 30 (543)

2007-yil 18-iyul

1996-yil dekabrda chiqa boshlagan → Chorshanba kunlari chiqadi → E-mail: hurriyat@mail.ru → http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

## 2 Бир минг... биринчи муаммо

Ўзинг биласиз — мўлжални катта олган тadbirkор, айниқса, у йўлнинг бошида бўлса, ҳамкорларсиз ҳеч нима қилолмайди: одамнинг... қандайлиги эса унинг пешонасига ёзиб қўйилмайди. Шунинг учун ҳам бизнинг тadbirkоримиз ҳамкоридан кўп панд еди.

## 3 Куролланиш пойгаси давом этади

АҚШ жаҳон микёсида курол-аслаҳа сотиб олиш бўйича биринчи ўринни сақлаб қолган. 2006 йилда Қўшма Штатлар мазкур мақсад йўлида 528 миллиард доллар ишлатган.

## 4 Лабиховузнинг тилло табассумлари

Неъмат Аминовнинг доимий кулиб турадиган самимий чехраларини ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Бу муборақ чехрада одамни ўзига тортадиган меҳр нури ёғилиб турарди. У кишининг табассуми Лабиховузнинг сувларидай тиниқ ва тоза эди.

**HURRIYAT**га  
обуна йил бўйи  
давом этади.  
Газетамизни ўқиб боринг,  
ютқазмайсиң!

Нашр кўрсаткичи — 233

## «Энг улуг ва энг азиз» танлови

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокорпорацияси, «Ўзбекино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъат намояндаларини ва бошқа ижодкорларни мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, ҳукукий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказувчи, маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ёш авлодини она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ролини кўрсатувчи, ижтимоий ҳаётдаги демократик ўзгаришлар ва янгиланиш жараёнларини акс эттирувчи, фуқароларнинг бу жараёнлардаги иштирокини, эл-юрт равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатини ифодаловчи асарлар яратишга чорлаш мақсадида уларни республика мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилмайдиган аънавий «Энг улуг ва энг азиз» танловига таклиф этади.

- «Энг улуг ва энг азиз» танлови куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:
- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат асарлари;
- кино санъати асарлари;

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга куйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғлиқ телефони.

**Ижодий ишлар**  
«Энг улуг ва энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда 2007 йилнинг 1 августига қадар куйидаги манзилга юборилиши лозим:  
**100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси.  
Телефонлар:  
144-32-33; 144-64-62; 144-57-24; 144-11-64.  
Танлов голиблари Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

## Имкониёт

### Голиб Бельгияга боради

Чехиянинг мамлакатимиздаги элчихонасида «Европа Иттифоқи» мавзусида ўтказилган викторина голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Ҳакамлар хайъати томонидан жавоблар саралаб чиқилди. Текширув натижаларига кўра тошкентлик Марина Каюмова ва катталар ўртакларида танлов голиби бўлди.  
Биринчи ўрин соҳибаси Европа уйи ваколатхонаси томонидан Бельгиянинг Брюссель шаҳрида бир ҳафталик малака ошириш сафарига юборилмайдиган бўлди.  
Анджидон вилояти Булоқбоши туманидаги 43-ўрта мактаб 9-синф ўқувчиси Соибжон Нурматов эса ўқувчи ўртасидаги танловда биринчи ўринни кўлга киритди. Унга эса «Сименс» компанияси томонидан компьютер тақдим этилди.  
Шунингдек, танловда иштирок этган ва тўғри жавоблар йўллаган бошқа ёшларга ҳам турли рағбатлантирувчи мукофотлар, хусусан, Виктор Гюго номидаги француз маданият маркази ҳамда Гёте институти тил ўрганиш курсларида бепул таълим олиш имконияти берилди.  
**С. САЛИМ**

## Тўйғу

## «Энг улуг ва энг азиз» танловига



## Бир парча ер

Зафар ота қишлоқнинг олди бўлди. Олди бўлса ҳам каттани катта, кичикни кичик билди. Оқни оқ, қорани қора деди. Аввал ўйлаб, кейин сўйлади. Ҳақ гапни айтди. Норизоликка ён бермади. Етти ўлчаб бир кесди. Элу юртга фақат яхшилик истади. Яхшилик истаб, яхшилик кўрди. Обрў-эътиборли бўлди. Ҳалоллик билан адолатнинг жиловини маҳкам тутди. Иш деганда кунни кун, тунни тун демади. Реза-реза тер тўкиб ишлади, ўзини аямади. Аяшни билмади.  
Унинг бу хислатлари каттага ҳам, кичikka ҳам ибрат бўлди. Катта ҳам, кичик ҳам унга яқин юрди, ундан ўрганди. Сўзини ҳеч кимса икки қилмади. Чунки у ерда қоладиган гап айтмади. Шунинг учун уни сўраб келувчилар кўп бўлди. Ота сўраб келганларга эшик очди. Бир пиёла чай узатиб, ҳол-аҳвол сўради. Кимгадир йўл кўрсатди. Кимгадир ёрдам берди. Шу боис тўйнинг ҳам, маракаю маросимнинг ҳам бошида бўлди. Унинг маслаҳатисиз бирор бир юмушга кўл урилмади. Одат шундай бўлди. Ҳамма хурмат қилди, қадрлади. Чунки бу одат одамларни бирлаштирди. Меҳр-оқибатли, сабр-тоқатли қилди. Қадам удувларни, урф-одатларни аъналарни эъозлашга ўргатди. Кўнгилларни тоза, беғубор қилди. Кўнгилларда қатъийлик, ишонч, ирода барқ урди. Андишасизлик, лоқайдлик, ноинсофлик йўламади. Йўлай олмади.  
Отадан миннатдор бўлган

қишлоқ аҳли уни улуғимиз деди. Ота улуғликка муносиб бўлди, арзиди. Улуғ давраларнинг тўрида гердаийб ўтирмади. Манманлик қилмади. Аксинча, кексаю ёшни қаватиға олиб, қани бошладик: бир, икки, уч, дея қуввати етганча ишлади. Ишламаддан туролмади.  
Эрта баҳорда ерга барака уруғини ҳам биринчи бўлиб, Зафар ота сочди. Илоҳим ҳосилмиз мўл бўлсин, дастурхонларимиз нонга тўлсин, деди. Ҳамма фотиҳага кўл очди. Омин деди. Бу эзгу тилак хонадонларда тез-тез такорланди. Дил Оллоҳда-ю кўл ишда бўлди. Ишлаган кам бўлмади. Барака топди. Бой бўлди. Йморат кўрди. Тўй-томоша қилди.  
Бир замонлар қишлоқ ўрни минг дарахтли чорбоғ бўлди. Чорбоғда фақат зардоли бўлди. Зардоли асалдан ҳам ширин бўлди. Довруғи етти иклимда достон бўлди. Аммо ҳузурини

фақат бойлар кўрди. Камбағаллар эса фақат меҳнатини қилди. Бойларнинг кўлига қаради. Берганига шукр қилди. Бергани кўп бўлмади. Бойлар бахил бўлди. Бу бахиллик Худого ёқмади. Боғни совуқ урди. Зардолларнинг оппоқ гуллари қорайиб қолди. Дарахтлар барг ёзмади. Қуриб қолди. Минг ўрикдан бир ўрик ҳам қолмади. Ҳаммаси болталанди. Ўтин бўлди. Қозонлар остида гурил-лаб-гуриллаб ёнди. Ёниб-ёниб, кул бўлди.  
Зафар дунёга келганида янги боғ барпо этилган бўлди. Бодда минг туп ўрик бўлди. Баҳорда шундай гулладики, кўрганлар мўъжиза дедилар. Одамлар узок-яқиндан келиб, хайратланиб-хайратланиб томоша қилдилар. Томошага етолмаганлар афсусландилар, армонли бўлидилар.  
Уша баҳордан бошлаб, қишлоқнинг номи «Минг ўрик» деб аталди. «Минг ўрик»лик чақалокча бобоси Зафар деб исм

берди. Зафарли бўлсин, деб ният қилди. Зафар кучиб юрсин, дея дуо қилди.  
Набира бобосига тортиди. Бобоси уни кўлдан қўймади. Бағрига босиб, қадим-қадим қўшиқлардан айтиб берди. Қадим-қадим эртақлардан сўйлаб берди. Гўзалликка ошно бўлсин деди. Гўзалликни қадрлайдиган бўлсин, деди. Ер билан, тупроқ билан, сув билан, дарахтлар билан гаплашишни ўргатди. Буларнинг бари она табият, деди. Она табиятни асрашимиз керак, деди. Уни тушунишимиз керак, деди.  
Набира бобосининг нигоҳларига тикилди. Нигоҳларидан сабоқ олди. Сўзларини диққат билан тинглади. Сўзларини ёдда тутди. Сўзларига амал қилди. Ернинг, дарахтларнинг қалбларига қулоқ тутишни ўрганди. Нафас олишларини эшитди. Тушларида зардоли гуллариға юлдузлар лаб қўйганларини кўрди. Шивир-шивир сўзлашганларини, қкир-қкир

кулганларини эшитди. Уйғониб осмонга қаради. Осмон тўла юлдуз бўлди. Юлдузлар зардоли гуллариға суқланиб-суқланиб ойнаинг ҳам хаваси келди. Ойнаинг ҳам ишки тушди. Зафар бу гўзал манзараларни лол бўлиб қузатди. Шу-шу, меҳрини табиатга, фалакиётга узатди. Улардан завқ олди. Чорбоғни жаннат деб билди. Бу жаннатга гард кўндирмади. Уни капалаклару боларилардан ҳам қизғанди. Бу менинг муқаддас гўшам, деди. Бу менинг муқаддас Ватаним, деди. Боғнинг ҳар бир қарич ерини ардоқлади. Ҳар бир дарахтига меҳрини берди. Меҳрдан боғ яшнади. Дарахтлар яйради. Дарахтларда дилда ширин хислар уйғотиб, қушлар сайради.

III  
Зафар отасининг вафотидан сўнг кўрпа-ёстигини орқалаб, чорбоғдаги уйга кўчди. Отасининг чирогини ёқди. Кўлига отасининг кетмонини олди. Кетмон бобосидан қолган ёдгорлик бўлди. Дастурхон ёзиб, ўтган-қайтганларни тилини тилим-тилим қиладиган тиллардан зардоли билан меҳмон қилди. Меҳмонлардан дуо олди. Дуо унга бахт берди, барака берди.

IV  
Уруш номи билан уруш бўлди. Фашистларни ўз уясида ер тишлаб, зафар кучиб қайтганлар сафида Зафар ҳам бўлди. Кўкраги тўла нишон бўлди. Қишлоқдошлари уни қучоқ очиб қутиб олдилар.

Давоми 2-бетда.

## Мусоҳаба

«Жамият ва мен» танлови журналистларга яхши таниш. Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди энди ўз фаолиятини йўлга қўётган пайтда эълон қилинган мазкур танловдан туб мақсад миллий журналистикамизнинг ривож эди. Танлов ва унинг доирасида



эълон қилинган материаллар уни давом эттириш, аънанага айлантириш лозимлигини кўрсатди ва маълумки, ўтган йил сентябрь ойида танловнинг навбатдаги босқичи эълон қилинди. «Жамият ва мен» танловининг бу йилги натижалари юзасидан хулосани Жамоат фонднинг лойиҳа раҳбари **Мавжуда Йўлдошева** билан суҳбатдан сўнг чиқариш ўринли бўлади деб ўйлаймиз.

## Мақсад — фаолликни ошириш ва рағбатлантириш

— **Иккинчи маротаба ўтказилган танлов ҳақида сўз бошлашдан аввал илк танлов ва унинг бу галгисидан асосий фарқлари ҳақида гаплашсак.**  
— Биринчи фарқ сифатида йўналишларни кўрсатиш мумкин. Дастлабки танлов икки йўналишда — таҳририятлар ва журналистлар ўртасида ўтказилган бўлиб, унда 10 дан ортиқ таҳририят ва 40 га яқин журналист ўз ижод маҳсуллари билан иштирок этган эди. Эслаш жоиз бўлса, таҳририятлар ўртасида «Хуррият» газетаси, журналистлар ўртасида эса «Хордик» газетаси мўхбири З.Йўлдошева голиб деб топилди, компьютер билан тақдирланди. Яна бир қатор таҳририят ва журналистлар ҳам танлов соҳибдорлари қаторидан ўрин олди. Аввалгисидан фарқли равишда бу сафар танловни журналистлар ўртасида ўтказиш кўзда тутилди ва бунинг учун таҳлилий, танқидий йўналишлар, журналист текшируви, шарҳ, репортаж каби жанрлар танлаб олинди.  
— **Нега айнан шу жанрлар?**  
— Аслида матбуотдаги устувор жанрлар шулардир. Ундан кейин матбуот биринчи навбатда ана шу жанрлардаги материалларга эҳтиёж сезади. Таассуфки, бугунги журналистикамизда айни шу жанрларда ёзилган материаллар сон ва сифат жиҳатдан қониқарли эмас. Бизнинг мақсадларимиздан бири — жамият ҳаётида кечаётган жараённи

тезкор, холис, ҳаққоний, шу билан бирга таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритиш томон ҳаракат қилиш.  
— **Бу йилги танловга кириб келган янги номинация — «Йил дебюти» ҳақида тўхталсангиз.**  
— Номинация талаба журналистлар учун. Кўп бора тилга олганмиз журналистика ривожини унун ёш кадрлар билими ва маҳорати ҳам зарурий омиллардан. Яна бир кўрсатилгани керак бўлган жиҳати, бугунги ёшларнинг ўзига ишончи, нималарга қодирлиги ва фаоллигидир. Буни қарангки, голибликни бу йўналишда ЎЗМУ қошидаги академик лицей талабаси Дилафрўз Курбонова кўлга киритди.  
— **Фурсатдан фойдаланиб, газетчиларга яна танлов голибларидан бир нечтасини таништириб ўтсак.**  
— «Энг яхши таҳлилий мақола» номинацияси бўйича «Диёнат» ва «Хуққ оламида» газеталари бош муҳаррири Шухрат Деҳқонов, «Энг ўткир танқидий мақола» номинацияси «Миллий тикланиш» газетасининг Самарқанд вилояти бўйича муҳбири Уктам Қурбонов, «Энг яхши журналист текшируви» номинацияси Ўрта Чирчиқ тумани «Машъал» газетаси бош муҳаррири Хамид Норуқов, «Энг муфассал шарҳ» номинацияси бўйича республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов голиб деб топилди.  
— **Совринлар...**

— Вазифамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётда журналист иштирокини кенгайтириш билан бирга фаолиятини рағбатлантириш ҳамдир. Голибаримиз Фонд дипломлари, эсдалик совғалар, шунингдек, касбий фаолиятларида асқотувчи — рақамли фотоаппарат ва диктофонлар билан тақдирланди.  
— **Танлов натижалари ташиқлотчиларни қониқтирдими?**  
— Уйлаймизки, танлов журналистларни жамият ҳаётида фаолроқ иштирок этишга, афрофта тийрак нигоҳ билан назар ташлаш, кўп ҳолларда инсонлар илгарамаган, эътибор бермаган манзараларни, рўй берётган янгиланиш ва тараққиёт йўлига гов солиб турган муаммоларни олиб чиқиш, уларга жамоатчилик эътиборини тортишга ундади. Аслида журналистик фаолиятининг мазмун-моҳияти ҳам шунда. Танлов яна давом этади. Эришмаганларимизни кейинги йиллар давомида топишга, керакли янги гоьларни олиб киришга ҳаракат қиламиз.  
**Дарвоқе, «Жамият ва мен» танлови бу йил 80 га яқин журналистларни ўзига жалб этди. Танловга қўйилган материаллар эса 500 дан ортиқ бўлди. Фонд томонидан ташиқлаштирилган бошқа танловлар ҳам айни пайтда давом этмоқда.**  
**Дурдона АЛИМОВА**  
суҳбатлашди

## МММда

### Тadbirkорлар кўнгилдагидек ўтади

Маълумки, бу йил Ислон конференцияси ташкилоти (ИКТ)нинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган тузилмаси (АЙСЕКО) қарорига кўра, Тошкент шаҳри Ливиянинг Триполи, Марокашнинг Фес, Сенегалнинг Дакар шаҳарлари қатори Ислон маданияти пойтахти деб эълон қилинган. АЙСЕКО уставиға мувофиқ, ҳар йили араб дунёсидан икки шаҳар ҳамда Осиё ва Африка қитъаларидан биттадан шаҳар Ислон маданияти пойтахти деб белгиланади. Шаҳарларнинг танлаб олинишида обидаларнинг ноблиги, мамлакатнинг маданий, илмий, бадий ва иқтисодий салоҳият даражалари асосий шартлар ҳисобланади.



Мамлакатимиз пойтахтига дунёвий даражада юксак эътибор берилгани муносабати билан бўладиган халқаро конференцияга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишга бағишланган брифингда ташкилий қўмита раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Рустам Қосимов маълумий ва хорижий ОАВ вакилларига амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот берди. Республикада бу санани муносиб нишонлаш юзасидан ҳукумат қарори қабул қилиниб, жиддий тайёргарлик юмушлари олиб борилди. Бугунги кунда Самарқанддаги Имом Бухорий, Шохизинда, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд, Тошкентдаги Ҳазрати Имом меъморий мажмуалари маънавий-ахлоқий тарбиянинг кўзга кўринган марказлари бўлиб қолган. Жорий йилда бу муборақ гўшаларда кўзга кўринарли таъмирлаш, тузатиш ишлари амалга оширилди.  
Брифингда Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ташки ишлар вазирилик, Тошкент ислом университети ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан бўлажак тadbirkорларнинг турли жиҳатлари тўғрисида зарур изоҳлар, тегишли маълумотлар берилди.  
ОАВ вакиллари шу йил 14-16 август кунлари Тошкент ва Самарқандда ўтказилиши кўтилаётган «Ўзбекистоннинг ислом тамаддуни ривожига кўнган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро конференция ва бошқа тadbirkорларга чет эллардан ОАВ ходимларини кўпроқ таклиф этиш, меҳмонларга кўрсатиладиган иззат-эҳтиром, ўтказилиши мўлжалланаётган мулоқотлар, тобора кўнаиб бораётган сайёҳлар билан мурожаат этилди. Уларга ташкилий қўмита аъзолари, мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари батафсил жавоблар қайтардилар. Маълум бўлдики, бу анжуманга ўтказилган зиёд мамлакатдан юздан ортиқ меҳмонлар ташиқф бюриши қутиломда ва анжуман дастурининг кўнгилдагидек ўтиши учун барча зарур чоралар қўрилган.

МУХБИРИМИЗ






Сана

# Франция: озодлик тимсоллари

14 июль — Франция Республикасининг миллий байрами. Париж инқилоби куни халқ томонидан Бастилия қалъасининг олиниши билан тарихга муҳрланган ушбу сана французлар учун алоҳида қимматга эга. Шу боис ҳам ушбу сана бир асрдан ошқиб вақт давомида умумхалқ байрами сифатида тантана қилиб келинади.



...1789 йилнинг баҳори. Францияда яккахокимлик тузумига қарши қайфият кучайган бир давр. Қирол Людовик XVI ўз кўрсатмаларига бўйсунмай, мустақил фаолият юрита бошлаган Генерал штатлар (парламент) ни тарқатиб юборишга фармон беради. Лекин мамлакат қонун чикарувчи идораси қиролнинг худбинларча фармониغا бўйсунмайди. Француз илгор эзиллари ташаббуси билан Генерал штатлар Миллий ассамблеяга айлантирилади. Янги парламент аъзолари


нинг эркин ҳаракатлари маъқул келмаган Людовик XVI армияни ишга солади. 1789 йилнинг 14 июлида қирол кўшини ва халқ ўртасида кураш бошланади. Зулмга қарши бош кўтарган парижликлар қиролнинг Бастилия қалъасини эгаллашди ва у ердаги асирларни озод қилишди. Шу тариқа эрк, озодлик кун, эски яккахокимдорлик тузуми устидан эришилган галаба тантанаси сифатида 14 июль Франция миллий байрамини айтади.

Францияда байрам бир кун олдин машъалалар ёқишдан бошланади. 14 июль куни тонгида эса парад бошланиши билдирувчи кўнгирак янграйди. Парад турли халқ ўйинлари ва спектаклларга уланб кетади. Миллий байрам тунги бал ва мушакбозлик билан якунланади.

Бастилия қалъасининг забт этилиши французларнинг миллий озодлик тимсоли саналади.

Дарвоқе, Франция Республикасининг бир қатор миллий рамзлари ҳам борки, уларсиз Франсуа Рабле, Бальзак каби машҳур ижодкорлар ватани бўлган мамлакат қиёфаси тўқис-туғал бўлмас эди...  
**Франция мадҳияси.** «Марсельеза» номи билан танилган ҳарбий марш 1792 Австрияга қарши уруш пайтида француз офицери Руژه де Лиль томонидан ёзилган. Орадан кўп даврлар ўтди. «Марсельеза» севиб қуйланган, баъзида эса таққиланган пайтлар бўлди. Ниҳоят, 1879 йили ушбу кўшик миллий мадҳия деб эълон қилинди.


**Франция байроғи.** Уч хил — оқ, кўк ва қизил ранг уйғунлигидан ташкил топган Франция байроғи



хам бир асрдан зиёд тарихга эга. Дастлабки даврларда байроқдаги оқ ранг қирол, кўк ва қизил ранг эса Париж шаҳри рамзи эди. 1880 йилда француз миллатининг бирлашуви ифодаси сифатида миллий байроқ деб қабул қилинди.

**«Озодлик, Тенглик, Биродарлик» шиори.** Францияда маърифатпарварлик ҳаракати бошланган XVIII аср охирида парижликлар уйлари пештоқига «Бирлик, Республика яхлитлиги, Озодлик, Тенглик, Биродарлик ёки ўлим!» сўзларини ёзишганди. Ҳаёт-мамат кураши кетаётган ўша пайтларда бу шиор миллатни бирлаштирувчи маънавий кучга айланди. «Озодлик, Тенглик, Биродарлик» сўзлари 1958 йили қабул қилинган мамлакат Конституциясида ҳам қайд этилган.

**Марианна.** Қадимги римликлар ва юнонларга хос қалпоқ кийган, мағрур боқиб турувчи аёл тимсоли французлар учун эрк ва хуррият рамзи саналади. Ушбу сурат дастлаб инқилоб даврида пайдо бўлган. Мамлакатда халқ ҳокимияти ўрнатилгандан кейин эркак ташна аёл акс этган Марианна сурати миллий рамзга айланди. Аини пайтда Франциянинг давлат ва жамоат идораларида Марианна ҳайкали, бюсти ва суратларини кўриш мумкин. Шунингдек, озодлик тимсоли бўлган тасвир танга ва маркаларга ҳам муҳрланади.




Абдул СОБИР

Дараклар

## Қуролланиш пойгаси давом этади

**Хитой 2006 йилда қурол харид қилиш бўйича Осиёда биринчи мамлакат бўлди.** Стокгольм тинчлик муаммоларини ўрганиш институти (SIPRI) томонидан ўтказилган тадқиқотларига кўра, Хитой ҳарбий мақсадларда ўтган йили 50 миллиард доллар маблағ сарфлади ва бу борада Японияни ҳам ортда қолдирди.




Қўшма Штатлар маъруза мақсад йўлида 528 миллиард доллар ишлатган. Ироқ ва Афғонистонда амалга оширилаётган ҳарбий амалиётлар қурол-аслаҳа учун харажатларнинг янада ошишига олиб келган. Буюк Британия ва Франция қурол-яроғ учун кўп маблағ сарфлаётган мамлакатлар рўйхатида иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган. Кейинги ўринларда эса Осиё вакиллари — Хитой ҳамда Япония қайд этилган.

2006 йили Россия қуролланиш учун 34,7 миллиард доллар сарфлади. Швеция институти Федерация ҳарбий харажатларини ошиб боришини мамлакатнинг геосийси курашлари билан изоҳлаган. SIPRI хулосасига кўра, Ҳиндистон ва Хитой дунёнинг энг йирик қурол импорёрлари бўлса, АҚШ ва Россия экспорт борасида етакчиликни бермай келмоқда.

Стокгольм тинчлик муаммоларини ўрганиш институти маълумотига кўра, АҚШ, Россия, Франция, Буюк Британия ва Хитой йил бошида 26 миң атом қаллақларига эгалик қилган.

## 63 миң долларлик телевизор

**Samsung компанияси LN70F91BD телевизорларини ишлаб чиқара бошлади.** Энг сўнги технология ютуқлари асосида яратилган маҳсулотлар ҳозирданок катта талаб билан сотиб олишмоқда. Янги телевизорнинг экрани 70 дюймни ташкил этади. Бу эса тасвирни ўта юқори аниқликда қабул қилиш имкони



демакдир. Маълумотларга қараганда, LN70F91BD телевизори 1920 x 1080 гача бўлган ҳам ж м л и т а с в и р н и ўзида акс эттира олади. Шунингдек, янги телевизор бир қатор қўшимча қулайликларга ҳам эга. LN70F91BD телевизорлари аллақачон Жанубий Корея бозорларига чиқарилган. Юқори сифатга яраша маҳсулотнинг нархи ҳам жуда баланд. Аини пайтда LN70F91BD 59 миллион вон ёки 63 миң доллар баҳода сотилапти. Samsung компаниясининг янги маҳсулоти қолган мамлакатларга 2007 йилнинг иккинчи ярмида чиқарилиши кутиляпти.

## Ким кўп меҳнат қилади?

**Дунё аҳолисининг 22 фоизи бир ҳафтада 48 соатдан кўп меҳнат қилади.** Бу ҳақда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан эълон қилинган тадқиқотда маълум қилинган. Аини пайтда кўплаб мамлакатларда беш кунлик иш вақти белгиланган.



Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сайёримизда 600 миллион киши ёки аҳолининг ҳар бештадан биттаси кунига тўққиз соатдан ошқиб вақтини меҳнат фаолияти билан ўтказиши мумкин. Хусусан, ресторан бизнеси, улгуржи ва чакана савдо соҳаси вакиллари энг кўп меҳнат билан банд бўлишади.

Халқаро меҳнат ташкилоти хулосасига кўра, иш вақтини камайтириш йўлидаги ҳаракатлар меҳнат ҳақи миқдорининг камлиги туфайли кўпгина муваффақиятсиз якунланмоқда. Янги иш ҳақининг камлиги туфайли ривожланаётган мамлакатларда фуқаролар кўп ишлаб яхшироқ даромад топишга ҳаракат қилишяпти. ХМТ ишчилар ҳуқуқларига риоя этилиши назорат қилиш учун махсус комиссиялар тузилиши тавсия этган.

Шахс

**Сайёрамизнинг энг бадавлат кишиси номи ўзгарди.** Сўнги бир неча йил давомида ушбу унвонни сақлаб келган Билл Гейтс ўз ўрнини мексикалик Карлос Слимга бўшатиб берди.

Мексикада чиқадиган Sentido Común наشري маълумотларига қараганда, сўнги уч ой ичида Карлос Слимга қарашли компаниялар даромади кескин суръатда ошди. Хусусан, Америка Movil акциялари баҳоси 27 фоизга, Telefonos de Mexico қиммати қўғозлари нархи 34 фоизга ошди. Бундан ташқари, Карлос Слимга тегишли Inbursa банки даромадлари 20 фоизга ўсди. IDEAL компанияси


## Карлос Слим: кўли очик миллиардер

акциялари баҳоси эса 28 фоизгача кўтарилди. Буларнинг барчаси ушбу компаниялар хўжайини бўлган Карлос Слимнинг даромадларини кўпайтирди. Шу тариха мексикалик миллиардернинг бойлиги 67,8 миллиард долларга етди ва у 59,2 миллиард долларга эгалик қилаётган Билл Гейтсга ортда қолди.

Карлос Слим 1900-йиллар бошида Мексикага кўчиб келган ливанлик ишбилармоннинг ўғли. Унинг болалик даври миллиардерларга хос фаровонликда кечмади. Ёшлик даври қийинчиликлари эса уни бутун умрини ота-онани қолган камтаргина

меросни кўпайтиришга ундади.

67 ёшли Карлос Слим ҳаёти давомида ўз омадини турли соҳаларда синиб кўрди. Қимматбаҳо қоғозлар бозорига ҳам ишладди, кўчмас мулк савдоси билан ҳам шуғулланди. Бирок миллиардерга катта омад ва даромад келтирган йўналиш телекоммуникация соҳаси бўлди. Мексикада телекоммуникация тизими эндигина ривожланиб келаётган пайтда ишбилармон бу соҳа тез ва кўп фойда олишнинг энг яхши йўли эканини англаб етди ва бирин-кетин ушбу йўналишдаги компанияларни сотиб ола бошлади.



Аини пайтда бутун Мексикадаги уй ва офис телефонларининг 90 фоизи, уяли алоқа тизимининг эса 80 фоизи Карлос Слимга қарашли компаниялар назоратида. Миллиардернинг бизнес фаолияти фақат Мексика билан чекланмади. Унга қарашли Америка Movil аини пайтда бутун Латин Америкадаги етакчи телеком-

муникация компаниясига айланган. Компания ҳозирда 100 миллиондан ошқиб миқозда хизмат кўрсатмоқда.

Бойлиги ҳар ойда 3 миллиард долларга кўпаяётган Карлос Слим барча бадавлат кишилар каби тиним билмай, кечаю кундуз ишлайди. У ҳўкрмон бўлган кичик империя таркибига Grupo Carso савдо ташкилоти, Volaris авиаташувчи компанияси, Cigatam сигарет ишлаб чиқариш корхонаси, MixUp музика магазинлари тармоғи ва Prodigy интернет-провайдерни ҳам қиради.

Даромадлари соат сайин ошиб бораётган Карлос Слим кўли очиклиги билан ҳам танилган. Масалан, яқиндагина у Мексика соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини ривожлантириш учун 10 миллиард доллар ажратди.

# Жамиятни либераллаштириш

бу жараёнда нодавлат телерадиостанцияларнинг ўрни катта



**13-14 июль кунлари Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳудудий телестанциялар масъул муҳаррирлари учун «Жамиятни либераллаштириш жараёнида нодавлат телерадиостанциялар ролини янада кенгайтириш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни сифати ва мазмуни бўртилишида масъул муҳаррирларнинг масъулиятини кучайтириш» мавзусида семинар ўтказди.**

Тадбирга ҳудудий телерадиостанциялар раҳбарлари, масъул муҳаррирлар тақлиф этилди. Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетини кафедра мудирини Бобоқул Ташев йиғилганларга жамиятни либераллаштириш борасида давлат раҳбарияти ва ҳукумати томонидан амалга оширилаётган ислохотлар, саъй-ҳаракатлар борасида сўзлаб берди. Ассоциация бошқаруви раиси Фирдавс Абдулоқов семинар аввалидаёқ ютуқлар, натижалар, амалга оширилган ишлардан кўра қилинажак ишлар, камчиликларни тўғрисида кўпроқ гапириш тақлифини ўртага ташлади. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори ўринбосари Ўткир Жўраев унинг гапини маъқул ҳисоблаб, ҳудудий телестанция ва радиолар фаолиятидаги камчиликлар, кўрсатувларнинг савияси, радиобошловчиларнинг билими тил услуби, уларнинг матбуотга оид қонун талаблари ва умуман республика қонунларини билиш ёҳуд билмаслигини аниқ-равшан далилловчи маърузаси билан чиқиб кетди. Маъруза юзасидан йиғилганлар масъул раҳбарга ўнлаб саволлар билан мурожаат қилишди.

Семинар давомида Миллий ассоциацияга аъзо нодавлат телерадиостанциялар фаолиятида йўл кўйлаётган камчиликлар, нодавлат телерадиостанцияларнинг эфир дастурлари уни узатишда ОАВ қонунчилигига риоя этиш масалаларига эътибор қаратилди. Ушбу масалалар бўйича депутатлар ва иштирокчилар томонидан Олий Махлис Қонунчилик палатасида қабул қилинаётган янги қонун лойиҳалари, қонунларнинг амалиётга татбиқ этилишида нодавлат телерадиостанцияларнинг ўрни хусусида фикр алмашилди.

Семинар иши давомида бугунги кун ўзбек эстрадаси, яратилаётган қўшиқларнинг матни ва мазмуни борасидаги муаммолар, нодавлат телерадиостанциялар эфир дастурларида ёшлар маънавияти ва тарбиясига таъсир этаётган, тингловчиларни маънан руҳлантирадиган қўшиқлар билан бойитиш борасида ҳам сўз юритилди. Республика Маънавият тарғиботи маркази раҳбари Мин-хожиддин Мирзо, шоир Муҳиддин Омон, журналист Алижон Эшбойларнинг чиқишларида кейин бу борада анча мулоҳазалар йиғилиб қолгани маълум бўлди.

Қизгин баҳс ва мунозаралар руҳида ўтган семинарда масъул муҳаррирларнинг 2007 йил биринчи ярим йиллик фаолиятларидаги ютуқ ва камчиликлари атрофича муҳокама қилинди. Тадбир ташкилотчиларидан бири, Ассоциация маслаҳат маркази раҳбари Незмат Муродов семинарда қўлланган мақсад жамиятни либераллаштириш жараёнида нодавлат телерадиостанциялар ролини янада кенгайтириш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни сифатли ва мазмуни бўртилишида муҳаррирлар масъулиятини ошириш, фуқаролик жамияти барпо этишдаги уларнинг роли нечоғлик муҳимлиги ҳудудий телерадиостанциялар ижодий ҳодимларига етказиш эканини баён этди. Бугунги кунда нодавлат телерадиостанциялар курсатув ва эшиттиришлари республикамизнинг энг чекка ҳудудларида қадар етиб борган ва уларни қарийб 22 миллион юртдошимиз томоша қилмоқда.

1994 йил маълумотларига кўра, республикамизда фаолият олиб бораётган ОАВларнинг умумий сони 400 дан ортиқ бўлган. Бугунги кунда эса улар қарийб 1000 гага етиб қолди. Жумладан, 663 та газета, 194 та журнал, 4 агентлик, 18 та ахборотнома. Аини чоғда республикамизда 100 га яқин ҳудудий телерадиостудия ва кабел операторлари фаолият кўрсатяпти. Уларнинг ўз-ўз-АВМАга аъзо бўлганлари 79 та, жумладан, 24 таси ҳудудий телестанция, 12 таси нодавлат радиостанция, 34 таси эса уюшган ҳолда аъзо бўлган кабел студиялари.

Шу ўринда, ўз-ўз-АВМА таъсис этилган 2003 йилнинг декабридан бери фаолиятини аниқ дастур асосида ривожлантириш йўлидан бораётганини айтиш жоиз. Нодавлат телерадиостанцияларнинг 2006-2007 йилларга мўлжалланган Ривожланиш дастури республикамизда фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат ЭОАВнинг иштирокини фаоллаштириш, замонавий телерадио индустрия бозорини шакллантириш, чекка ҳудудлардаги аҳоли қатламларининг ахборот эҳтиёжини қондириш ва бу борада ҳудудий телерадиостанцияларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижодий ва техник ҳодимларнинг касбий малакасини ошириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш, журналистларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги қатнашувини жадаллаштириш тамойилларига асосланган.

Йил бошида нодавлат телерадиостанцияларнинг 2006-2007 йилларга мўлжалланган Ривожланиш дастури лойиҳаларини бойитиш, уларнинг замонавий журналистика талабларига жавоб беришини таъминлаш, нодавлат ЭОАВда маъруза бўлган муаммоларни таҳлилий ўрганиш ва уларни ҳал этиш йўллариини дастурга киритиш, дастурни тайёрлашда ҳудудий теле- ва радиостанциялар иштирокини таъминлаш мақсадида журналист, тасвирчи, реклама менежерлари ва ҳисобчилар иштирокида лойиҳаларни амалга ошириш механизми тайёрланди.

ХАЛҚАРО ВОКЕАЛАР  
**GLOBUS**  
INTERNATIONAL LIFE

Луқма

## «Гулмисиз, райҳонмисиз?»

ёҳуд бир тўплам хусусида

Юбилей, тўй ва байрамлар бос кўча, хибоблар, шаҳару қишлоқлар чирой очиб, ҳуснига ҳусн, кўрига кўрк қўшиб-моқда. Тўй ва юбилейларга бирор тўхфа билан бориш халқимизнинг азалий удуми.

Утган йил Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйи жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонланди. Юбилейга атаб кўплаб махсус журналлар, буклет, альбом монография ва тўпламлар чоп этилди. Афсуски, уларнинг ҳаммасини ҳам рисоладагидек деб бўлмайди. Чунонки, «Хоразм Маъмун академиясининг олис-яқин юлдузлари» деб номланган тўплам (муаллифлари иқтисод фанлари доктори, профессор Тангриберган Дўстожонов бошчилигидаги олимлар) бир қарашда кишини ўзига жалб қилади. Нархи қиммат бўлса ҳам уни сотиб олдик. Аҳир ўз элингдан чиққан олис ва яқин аллоамалар ҳақидаги янгиликлардан беҳабар қолиш зиёли кишига ярашмайди-да.

Тўпламининг ҳамми салкам 20 босма табоқ, муқоваси қалин, чиройли, расмлар билан безатилган. Ўзбек ва рус тилларида Ташкентдаги «Иқтисод молия» нашриёти томонидан кўп нусхада чоп этилган. Ва лекин... 300 саҳифалик китобнинг роппа-роса 100 бети мумтоз шоирларнинг газаллари билан тўлдирилганини кўриб ажабландик. Устига устак «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Хоразм ҳақиқати», «Мозийи сада», «Қонун ҳимоясида» каби газета ва журналларда шу мавзуда аввал чоп этилган мақола ва сўхбатлар ҳам киритилган. Агар уни илмий-оммабоп рисола деб атайдиган бўلسак, илмий асарга хос изчиллик, иқтибос, мантқиқий занжир этиши-майди. Хромотатия дейдиган бўلسак, китоб илим-фан даҳолари, Хоразм Маъмун академияси ворислари ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган: Шу жумладан, хоразмлик мумтоз шоирлар Рабзуғий, Ҳайдар Хоразмий, Хофиз Хоразмий, Огаҳий, Мунис, Комил Хоразмий, Аваз Утар ўғли ва бошқаларнинг асарларидан олинган шеърый парчалар тўпламининг оз эмас, кўп эмас нақд ундан бирига тенг.

Рисолани ўқиб беихтиёр машҳур асқиячиларнинг «Гулмисиз, райҳонмисиз?» деб бошланган пайрови эсга келди. Бизнинг фикримизча, хурматли профессор домлалар тўпламини ўз номига яраша кенг қамровли фикрлар, тарихий мушоҳадалар билан бойитиб чет эллардаги қадимий академиялар билан таққослаган ҳолда ўқувчига тақдим этишлари лозим эди. Хеч бўлмаганда, Юнонистондаги Платон (Афлотун), Бағдоддаги «Байтул ҳикма» академиялари, Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг ташкил топиши ҳамда 1997 йилда Хивада қайта тикланган Хоразм Маъмун академияси жамоаси эришган ютуқлар ҳақида холис фикр юритилса, нур устига нур бўларди.

Хулоса шунки, хурматли домлаларимиз келгусида нашр этиладиган рисодаларда юқоридagi каби «жузъий камчиликлар»га йўл қўймайдилар, илм-фан билан, баъдий меросни бир-бирига аралаш-қуралаш этиб юбормайдилар, деб умид билдираимиз.  
Бир гурӯҳ китобхонлар номидан  
К. НУРЖОНОВ

**Ташкентдаги «Radisson SAS» меҳмонхонасида «Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Махлис вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ миллий қонунчиликни юритиш масалалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

## Омбудсман — инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси

Халқаро анжуманда Испания халқ ҳимоячилари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Россия Федерацияси, Озарбайжон Республикаси вакиллари, Европа Омбудсман институти масъул ҳодимлари, Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, вазириликлар, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси кумағида Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан ўтказилди. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлида одимлаётган мамлакатимизда мана бир неча йилдирки, Олий Махлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолият юритиб келмоқда. Ушбу институт ҳуқуқлари бузилган фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда амалий ёрдам кўрсатмоқда. Шу билан бирга ҳали ташкил этилмаган кўп вақт бўлмаган Омбудсман институти фаолиятида ўрганилиши керак бўлган жиҳатлар ҳам мавжудлигини айтиш жоиз. Ташкентда ўтган халқаро анжуман ҳам аслида ана шу мақсадда уюштирилди.

Тадбирда иштирок этган Испания, Россия, Озарбайжон каби мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллари Омбудсман фаолиятини йўлга қўйиш борасидаги тажрибалари ҳақида сўзлаб беришди. Европа Омбудсман вакили В. Гаспарини эса Европа мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими хусусида гапирди.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар томонидан махсус тематик материал кўри-нишидаги аниқ тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Қонунчилик субъектларига, манфаатдор ташкилот ва идораларга юборилиши кўзда тутилган тавсиялар фуқаролар ва расмий ташкилотларнинг Омбудсман институти борасидаги билимларини чуқурлаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга ушбу давра суҳбати Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолиятини тақомиллаштириш бўйича амалий саъй-ҳаракатлар олиб боришга қўмақ беради.

С. КАМОЛОВ



Хотира

Таниқли ҳажв устаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неймат Аминов ҳаёт бўлганларида шу кунларда кулгун 70 ёшга тўлардилар. У киши 1937 йил 17 июлда Бухоро вилояти Ромитон туманида таваллуд топди. Бухоро давлат педагогика институтинда (ҳозирги университет) ўқиб юрган талабалик йилларида бошлаб адабиётга меҳр қўйди. Истеъдод билан йўғрилган бу самимий меҳр туфайли у машҳур ёзувчи бўлиб танилди. Илк ҳикояси, илк китоби билан ўқувчилар тилига тушди. Узоқ йиллар Бухоро вилоят радиосида бош муҳаррир бўлиб ишлади. Сўнг Тошкентга — "Муштум" журнаliga ишга таклиф қилинди. Пойтахтда ишлаш Неймат Аминов ижодининг янги қирраларини очди. Унинг кўплаб ҳажвий

ҳикоялари, фелъетонлари ва танқидий мақолалари қўлма-қўл бўлиб ўқилди. Адибнинг маҳорат билан ёзган "Ёлгончи фаришталар" ҳажвий романи унга катта шuhrат келтирди. Неймат Аминов мустақил юртимизнинг адабиёти, маданияти ва маънавияти ривожига муносиб ҳисса қўшиб кетди. Бу ҳақда ҳали адабиётшунослар, мутахассислар ва адабий жамоатчилик ўз муносабатини билдириши, баҳо бериши табиий. Ёзувчининг шоғирди Ашурали Жўраев устозининг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи хотира китобини ёзди. Қуйида ана шу янги китобдан айрим саҳифаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Лабиховузнинг тилло табассумлари

Адабиёт ҳақида бўлган суҳбатлардан бирида Неймат Аминов шундай деган эди:

— Ҳикояда характер бўлиши керак. Агар ёзувчи характер яратолмаса, бирор чиройли, қўйма тасвир ё диалог ўқувчини ҳаяжонга солсин. Буни ҳам эглай олмас, бир янги сўз ёки ибора ёдидан қолсин. Чунки бир бет ҳикоя ёзганда ҳам, роман ёзганда ҳам имон билан ёзиш керак. Адабиёт аввало, бу — имон дегани!

Устоз ўзининг бу ибратли фикрларига умрбод содиқ қолди. Ҳар қандай вазият ва шароитда ҳам имон билан иш тутди, имон билан ижод қилди, имонга суяниб яшади. Ҳақиқатан ҳам, Неймат Аминов ҳаёти ва ижодини синчковлик билан кузатарганимиз, у киши умрининг охиригача имон-этиқодга ҳақиқат содиқ қолганлигига гувоҳ бўламиз.

Неймат Аминовнинг доимий кулиб турадиган самимий чехраларини ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Бу муборак чехрада одамни ўзига тортадиган меҳр нури ёлғилиб турарди. У кишининг табассуми Лабиховузнинг сувларидай тиник ва тоза эди. У кишининг кулгиси Лабиховуздаги сокин, теран ва чуқур эди. Кўзларида одамларни беғуборлик ва ҳалоллик билан севиш туйғуси ҳамиша барқ урарди. Ҳаёт ва ижоднинг мураккаб ташвишлари билан эрта оқарган нақшлариди сочларида ҳам ёруғлик шуълалари таралиб тургандай эди. Неймат аканин кўйиб қолганда кулги булоғининг тўлқинлари доимо жилпояниб турарди.

Неймат Аминов туғилганида у кишини Насриддин Афандининг фаришталари йўғраклаган бўлса ажаб эмас. Чунки устоз кулги билан тугилиб, кулги билан яшаб ўтди. Умрбод кулгига, ҳажва содиқ қолди. Бухоро ва бухороликларнинг барҳаёт кулгисини адабиётга муҳраб кетди.

"Қасб-корим — одамлар лабидан, одамлар тақдирдан табассум излаш бўлди. Ҳар бир кўрганам — табассумни гўё бир тилло топгандек ён дафтарчам варағига авайлаб тугиб, хотирам қавақларига яшириб қўйдим. Вақти келганда шу "тилло"ларни қўматли ўқувчиларим бошдан сочдим. Бундан кўпларнинг руҳи ойдинлашиб, кўпларнинг юзи мунаввар бўлди... Битта-ярим жириллаганлар ҳам йўқ эмас. Начора...", деб ёзган эди Неймат Аминов ўзининг "Тилло табассумлар" китоби сўзбошида.

Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда, Неймат Аминов адабиётга ёниб кирган истеъдодлардан эди. Ёниб яшаш, ёниб ижод қилиш, ёниб сўзлаш Неймат акага хос фазилат эди. У кишининг биринчи китоби — "Икки пуллик обрў" чоп этилиши билан адабиётда воқеа сифатида баҳоланди, ўз ўқувчиларини топди. Илк

китоби билан шухрат қозониш, тилга тушиш камдан кам ёзувчига насиб этади. Шундан сўнг турли йилларда чоп этилган "Қирқ унчинчи почча", "Лабиховуз хандалари", "Тилло табассумлари", "Жигари тўқилди", "Чинорлар қўшиғи", "Қаҳқаҳа" сингари китоблари ҳам қўлма-қўл бўлиб ўқилди, адабий жамоатчиликнинг юксак баҳоларига сазовор бўлди. Адибнинг номини машҳур қилган "Елвизак" ва "Суварак" қиссалари негизда "Ёлгончи фаришталар" ҳажвий романи дунёга келди. Баралла айтиш мумкинки, ёзувчининг истеъдод билан ёзган бу йирик асари ҳам адабиётда ўз ўрнини топди. Биринчи бўлиб таниқли олим Озод Шарофиддинов катта мақола ёзиб, асарни юксак баҳолади. Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад Неймат Аминов хотирасига бағишлаган ёзган ёдномасида шундай дейди: "Ёлгончи фаришталар" бугунги адабиётимизнинг дурдона асариди бўлиб қолди. Шамси Тўраевич, Баширжон Зайнишев, Вафо Атторм, Қиёмхон, Қирмизхонлар сингари яхлит кўйма образлар сенинг чинакам портрет устаси, унча-мунча ижодкорларга насиб қилмаган ноёб сўз расоми эканингни намойиш қилди". Аслида Неймат Аминовдек фавқулодда истеъдоднинг ўзи адабиётимизда ноёб ҳодиса эди.

Баъзи жамиятларнинг сатира, юморга, айниқса, танқидга тоби йўқлиги тарихий манбалардан маълум. Масалан, собиқ шўро даврида ҳажвчи бўлиш машаққат ва азоб эди. Лекин танлаган йўли қанчалар оғир ва мураккаб бўлмасин, Неймат Аминов умрининг охиригача унга содиқ қолди ва мардона туриб ижод қилди. Уни бу йўлдан машҳур йирик порахўрларнинг пўписаси, тулқак юлғич ва такаббурларнинг дўқи, гийбатчи ва тўқматчиларнинг дағдағаси, катта-катта мансабдор ва бюрократларнинг стол остидан кўрсатган муштлари асло қайтар олмади. Айрим ўткир фелъетонлари туфайли Марказқўмга бориб сўроқ беришлар, айрим фелъетонларнинг тасдиқланиш жараёнидаги тўсиқлар, ўйинлар, баъзи ҳажвчилар туфайли бўлган машмашалардан Неймат Аминовнинг жасорат ва ҳалоллик билан тутган қалами асло титрамади. Масалан, "Кўтариб уриш операцияси" номили интермедияси телевидениеда намойиш этилган, бир гуруҳ ишчилар телевидениега айнан шундай воқеа уларнинг корхонасида рўй бераётганидан ташвиш-

ланиб шикоят ёзишган. Текширилгач, корхона раҳбарининг барча кирдиқорлари очилди, ишдан четлаштирилиб, жазоланган. Адолат қарор топган. Эки "Республиканский эшон", "Қора юрак", "Қўқчирик, қизил чироқ", "Айбдор сигир" сингари фелъетонлари жиддий шов-шувларга сабаб бўлган. Баъзи фелъетонлар сабабли тегишли идоралар ўз соҳалари бўйича махсус қарорлар қабул қилган.

Ёзувчининг танқиди ҳамиша нишонга теккани боис ҳам зарбаси кучли бўларди. Танқидни ёқтирмайдиганлар, танқиддан чўчидиганлар Неймат Аминовдан ҳамиша ҳайкиби турганларига гувоҳ бўлганмиз.

Халқимизнинг ягона сатира ва юмор журнаli "Муштум"нинг оммаийлашувида, мазмунан янада бойишида дастлаб масъул котиб, сўнг бош муҳаррир вазифасида ишлаган Неймат Аминовнинг хизматлари катта. Лекин ўзлари ҳам "Муштум"дан ноҳақ мушт еган пайтлари бўлган. Масалан, 80-йилларнинг ўрталарида журналда босилган "Арслоннинг ўлими" масали туфайли ишдан ҳайдалган журнал бош муҳаррири Иброҳим Раҳим ва бир гуруҳ ходимлар орасида Неймат Аминов ҳам бор эди. У киши беш йил ишсиз юрди. Бир муддат асарлари босилмади. Айби — бўлим мудири сифатида масалнинг чоп этилишига имзо чеккани эди. Мустақиллик арафасида Президентимиз Исрол Каримовнинг тавсияси билан Неймат Аминов 1989 йил 6 декабрда "Муштум"га бош муҳаррир этиб тайинланди. Бу ҳақиқий адолат тантанаси эди...

Неймат ака билан сафарларда юриш доимо мароқли эди. У киши ниҳоятда беозор ҳамроҳ эди, бировага асло эъни тегмасди. Дабдабаларни, зиёфатларни унчалик ёқтирмасди. Ҳамиша оддий одамлар билан бўлиши, камтар дастурхонлар атрофида ўтириши хуш кўрарди. Казоказолардан кўра оддий кишилар билан тез тил топишиб, суҳбати бир зумда қовушиб кетарди.

Неймат аканиннг даврасида, албатта, қаҳқаҳа янграб турарди. Кулги бўлгандаям аминовча кулги. У киши самимий ва бегараз кулги борасида андак шафқатсизроқ эдилар. Неймат аканиннг кулгисидан юмордан кўра сатира кучли эди. Шу боис бу кулгининг салмоғи кенг, тоши оғирроқ эди. У киши даврага қараб, у ерда ўтирганларни ҳисобга олиб баъзан кулгичи воқеалар ёки ҳангомаларни тўқиб юборардилар. Лекин бунинг тўқима кулгилги сезилмасди. Ҳаммаси табиий чиқарди. Масалан, устозлари — машҳур адиб Саид Аҳмад аканиннг 75 йиллигига бағишланган

бир сафар суҳбатлашиб ўтирганимизда: "Ҳажвчи бўлиб, фелъетончи бўлиб тўғри қилганмиканман?" деган саволни ҳам берган эди... Буларнинг барчаси у кишига кутилмаганда ёпишиб олган оғир ҳас-таликнинг таъсири эди. Ана шу ҳас-талик туфайли тез-тез касалхонага тушадиган бўлиб қолди. Хаёллари, фикру ёдлари ана шу касалликни енгишда ва ундан тезроқ кутилишида эди. Иродали инсон бўлганлиги учун ҳам дард билан олишдилар. Уни енгиш йўлларини изладилар. Кутилмаганда ҳамла қилган бу дарддан кулгичи осон бўлмади. Дард умр саҳифаларига ўз муҳрини боса бошлади. Вафотларидан бир ойча муқаддам

чиқарамиз... Во дариг, Бухорога бориш ҳам, етмиш йиллик тўйини кўриш ҳам устозга насиб этмади. Абдулла Ориповнинг дил сўзлари, самимий ниятлари у кишининг умрини бир неча кунга узайтирган бўлса ажаб эмас... Яна бир шоғирди Анвар Обиджон билан устозимизни зиёрат қилгани бордик. Уша куни 2005 йилнинг 12 октябри эди. Ҳаво очик, кўз кўёши чарақлаб, ҳовлидаги хурмо дараклариди худди янги йил арчасининг чирокларидек ловуллаб турибди. Устоз билан анча суҳбатлашиб ўтирдик. Анвар ака у-бу ҳангома айтиб, у кишини кулдирган бўлди. Лекин кулги ҳам Неймат акага малол келаётгандек сеник эди. Гўё у кишининг бир умр кулиб келган юзлари, кўзлари, лаблари кулгидан тўйган, кулгидан хоригандек эди. Шундай бўлсада, у киши анча очилиб, суҳбатлашиб ўтирдилар. Бир неча марта турмоқчи бўлсак, руҳсат бермадилар. Афсус ва надоматлар бўлсинки, бу сўнги суҳбат, сўнги дийдорлашув, сўнги учрашув ва бир-биримизни сўнги бир кўришимиз эканлигини ҳеч биримиз билмадик. Бандаси охиш, деганлари шу бўлса керак-да.

Орадан беш кун ўтиб, адабиётимизнинг забардаст адибларидан бири, машҳур ҳажвчи Неймат Аминов ҳаётдан кўз юмди. Ҳузурбахш кулги тинди. Узоқ йиллар янграб келган беозор ва беғубор қаҳқаҳа сўнди. Бу барҳаёт кулги фақат жисмонан тўхтади. Энди у устознинг китобларида, баркамол асарларида давом этади. Чунки Неймат Аминов адабиётда ўзига хос-кулги мактабини яратиб кетган ҳажвчи. Унинг қаҳрамонлар галереяси ранг-баранг, бир-бирига ўхшашмайдиган, бир-бирини тақрорламайдиган ноёб характерлар галереясида. 40 йиллик ижод маҳсулининг самараси бўлган ушбу кулги дастасидан турфа қаҳқаҳалар, самимий табассумлар, беозор ва беғубор кулги уфуриб туради. Бу кулгидаста кулгисевар ўзбек халқи қалбидан саралаб олиниб, унга пайванд қилинган. Таниқли адиб Худойберди Тўхтабоев ибораси билан айтганда: "Неймат Аминов Саид Аҳмад ака ҳам, биз ҳам ёзишни орзу қилган биринчи ўзбек ҳажвий романини зўр маҳорат билан яратди. Унинг қаҳрамони Зайнишевга ҳам ачинасиз, ҳам ундан куласиз. Аслида, адабиётда бундай мураккаб образ яратиш жуда қийин. Лекин Неймат Аминов бунинг улдасидан чиқди. Адабиётимиз умрбоқий образ билан бойиди".

Неймат Аминов ҳар жиҳатдан ҳалол, имонда собит ва пок инсон эди. Бу инсоний фазилатлар у кишининг турмуш тарзига, ҳаётига сингиб кетган эди. Устоз одамларга: яқинлари ва шоғирдларига имони ва ҳалоллиги қай даражадалигига қараб баҳо беради. Неймат ака имонсизларга, порахўрларга, ёлгончиларга, амалпарастларга фақат ўткир ва жасоратли қалами билангина эмас, балки иродали инсон сифатида ҳаётда ҳам курашиб ўтди. Шу боис Неймат Аминов адабиётда, ҳаётда, яшашда виждон кўнжирогини мардона чалиб кетдилар, десак муболага бўлмайди. Бу бебаҳо ва беозор кўнжирок устозни билганлар, кўрганлар ва асарларини ўқиб-ўқилганлар қалбиди, хотирасида ҳамиша ахс садо бериб туришига ишонамиз.

Устоз ўлимидан ўн кун олдин Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов раҳбарлигида ўринбосарлари Сирожиiddин Саййид, Минҳожиддин Мирзо ва қалами у кишини кўрган бордик. Бундан Неймат аканиннг кайфиятлари кўтарилди. Ва бир кун илгари таниқли олим Тўра Мирзаев бошчилигида олимлар, ижодкорлар келиб-кетганини айтдилар. Бироз ҳол-аҳвол сўраб бўлган, Абдулла Орипов шундай деди: "Ёлгончи фаришталар" романиннг широбохш дорига ўхшайди. Баъзан ўқиб, худди осма укол олгандай масса қиламан. Баширжон Зайнишев — ўлмайди тип. Адабиётга катта хизматлар қилдирган. Энди ҳузурини ҳам кўринг, ака! Ҳали Бухорога бориш етмиш йиллик тўйинингизни бирга ўтказамиз, сайланмаларингизни

тантанали кечада сўзга чиқиб: "Устоз бир суҳбатингизда шоғирдларингиздан Улмас Умарбеков билан Ўткир Ҳошимовни қанотларим, деб тўғри айтдирган. Улар қанотларингиз бўлса, мен думингизман. Чунки нозик жойларни дум бекитиб туради-да", дейишлари билан залда қаҳқаҳа янграган. Эки бир куни собиқ шўро даврида инқилоб (ҳозирги Амир Темур) хиёбониди баҳайбат Карл Маркс ҳайкали ёнидан ёзувчи Шукур Холмиразев, Неймат ака ва қалами ўтиб қолдик. Шунда Неймат ака: "Орқасидан қарасанг гувалага, олдидан қарасанг, "дохий"га ўхшайди", деди. Шукур ака куларкан: "Неймат даҳшатсан. Бу ҳайкални бундан ортиқ таърифлаб бўлмайди", деганди. Неймат аканиннг "Елвизак" қиссаси қўлма-қўл бўлиб ўқилаётган кезларда "Муштум"да ўтирсак, ўрта ёшлардаги бир ёзувчи кириб келиб: "Кеча бир даврага бориб қолдим. Ҳамма нукул қиссангизни мактайдди. Охири, чидолмай "Хў, ўртоқлар, мани ўн олтинга тобим чиққан. Шундан тўрттаси роман, ўнтаси қисса, қолганлари ҳикоялар. Нейматнинг бор-йўғи бир қиссаси чиқибди", десам ҳам кулоқ солишмайди. Уйга келиб ўқисам, ҳақиқатан, мактайдиган китоб ёзибсиз. Табриклайман, ука", деди ҳаяжонланиб.

Ҳаётда қайнаб-жўшиб юрган устоз умрининг сўнги ойларида анча хоргин ва сокин кайфиятга берилиб қолган эди. Суҳбатларда, гап-сўзларда Неймат Аминовга хос бўлган жўшқин эҳтирос сезилмасди. Бир умр кулиб, кулдириб юрган чехраларига қандайдир гамгинлик, тушқунлик соя сола бошлаганди. "Энди ҳаммаси Аллоҳдан. Яратган Эгам тақдирга нима ёзган бўлса, шуни кўраман", деган сўзларни тез-тез такрорларди. Ҳатто

Назм

Ўзганиннг ўқию камони бўлма

Кўм-кўк япроқ билан обод эрур боғ,  
Инсон орзу билан буюқдир ҳар чоғ.  
Ҳаттоки соч-соқол оқарганида,  
Эртанги кунингга умид билан боқ.  
...  
Ўғлим, эл жони бўл, ёмони бўлма,  
Мағзи тўқ бугдой бўл, сомони бўлма.  
Мард бўлиб иш тутгин ўз ақлинг билан,  
Ўзганиннг ўқию камони бўлма.  
...  
Бу дунё сендин ҳам, мендин ҳам қолар,  
Қарга бир куни яшашдан толар.  
Нодонлар ҳаётнинг лаззатин тотиб,  
Кулфатга ҳамиша донолар қолар.  
...  
Шундай ўзлаштиради ҳаёт сабогин,  
Амалдан тушса ҳам қўймас таёгин.

Ўзидан кичикнинг уриб бошига,  
Ўзидан каттаниннг ўпар оёғига.  
...  
Аъзам, журъат этдим яратгани боғ,  
Умидим гул бўлиб ёздилар япроқ.  
Ҳаёлим яратган бустон ичинда  
Бир лаҳза ташладим дунёга нигоҳ...  
...  
Тўйда қобок уяди таъзияга келгандек,  
Гўё бир нохушликнинг дарагини билгандек.  
Таъзияда хириланар туртиб ўз ҳамроҳини,  
Қўлдан орзу қилинган, тўйга ташриф қилгандек.  
...  
Нопок кўрдим, покман дея лоф урар,  
Ишинг тушса мордек қонингни сўрар.  
Шу қаснинг омади кетганда бир кун  
Ўзидан эмас-у, ўзгандан кўрар.

Аъзам НАЗИРИЙ

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Бадий жамғарма қошидаги Тошкент хайкалтарошлик монументал санъат комбинатининг 1996 йилда берилган № 2214572 17 рақамли ер кадастри бекор қилинади.  
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, 1-катта Миробод кўчаси-32, (эски манзили: Цеховая-32)  
Ўзбекистон Бадий жамғарма дирекцияси  
тел: 55-89-11

Мирзо Улугбек тумани технология касб-хунар коллежи томонидан 2005 йилда НОРБЎТАЕВ Жавоҳир Холмуротович номига берилган К-285703 рақамли дипломи йўқолгани туфайли бекор қилинади.

Тафаккур

Абдулла Қаҳҳор: «Яхши ёзувчини яхши асарлар кўтаради»



Адабиётда умр бўйи тутаб юрган ёзувчилар ҳеч қачон ўз маҳалласи доирасидан ташқар чикмайди, лекин ўзини классик ҳисоблайди. Шунинг учун буларни маҳалла классиклари деб аташ мумкин.  
Микроб қанчалик хавфли бўлса, уни шунчалик катта қилиб кўрсатадиган микроскоп керак. Сатира ўтга учраган киши виждони бўлса, одамларнинг юзига қаролмайди, виждони бўлмаса оғзидан кўпик сочиб, ёзувчининг кетидан болта кўтариб юради.  
Заруратсиз, ички дардсиз, эҳтироссиз ёзилган асар ўлик бўлади. Бундоқ асарга ҳеч қанака ғоя, муҳим мавзу жон кирита олмайди.  
Нима учун кўча ҳаракати қондасини бузган кишига милиция хуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузаётган одамларга ҳеч қандай хуштак чаламайди.  
Классикларда ҳам, халқ адабиётини ҳам одадан йигитлар яхши кўрган қизларини мақташар эди: кўзинг ундоқ, ўзинг бундоқ дейишар эди, ҳозирги кўп ашуллаларда қизлар ўзларини мақташарди: у ёғим бундоқ, бу ёғим бундоқ дейишарди.  
"Эй шоир, ташаббус эркакдан бўлиши керак, булбулнинг ҳам эрқаси сайрайди-ку!" дейдиган одам йўқ.

юрган танқидчи кўроқ қоровулдай ҳар шарпадан чўчиб, шақилдоқ чалаберида.  
...  
Адабиётга ўғри мушқудай туйнуқдан тушадиган одамлар ҳам бўлади. Булар адабиётни ҳунардан касбга, яъни сабаби тирикчиликка айлантириб олишади. Бунақа одамлар қадим замонда ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор, эҳтимол бундан кейин ҳам бўлса.  
...  
Ёзувчини ҳеч қачон ҳеч қандай кўтармайди. Яхши ёзувчини яхши асарлар кўтаради, яхши ёзувчи кўтарилиб кетганини ҳатто ўзи ҳам билмай қолади.  
...  
Иллатларга қарши курашар эканмиз, бир томондан, иллатни баҳона қилиб ҳаётимизни қоралашга уринадиган кишиларга йўл бермаслигимиз, аввалда диниқиб қолган ва энди очик ҳавода хурсандлигидан ўйноқлаб "полиэни бузадиган" кишиларни танқид қилишимиз, иккинчи томондан, иллатларга қарши курашда бизга ҳалал берадиган кишиларга зарба беришимиз керак...  
Агар ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, мен ҳалоллик билан шижоатни биринчи модда қилиб кўяр эдим, чунки ёзувчининг бошқа ҳамма хислатлари унинг қай даражада ҳалол, нақадар шижоатли эканига боғлиқ.

Фаррух ЖАББОРОВ  
тайёрлади

HURRIYAT logo and contact information including address (Tashkent), phone numbers, and website URL.